

## Ўзбекистон Республикаси номидан

### Ҳ У К М

2025 йил 15 июль куни, жиноят ишлари бўйича Косон туман суди биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференцалоқа режимида, жиноят ишлари бўйича Косон туман суди раиси Ф.Юсуповнинг раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Ҳайитмуродовнинг котиблигида, тарафлардан: давлат айбловчиси-Косон туман прокурори ёрдамчиси С.Авлиёров, жабрланувчи Ф.И.Ш, судланувчи Ф.И.Ш ва унинг ҳимоячиси-“Илёс Авезов” адвокатлик бюроси адвокати И.Авезовларнинг иштирокида, Ф.И.Шга оид **1-1809-2501/118**-сонли жиноят иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ф.И.Ш - 1995 йил 5 августда Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Қибрай туманидаги “Халқаро технологиялар ва фанлари мактаби” МЧЖга қарашли ISFT институти 3-босқич талабаси, турмушга чиқмаган, муқаддам судланмаган, ишламайди, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, “Совгон” МФЙ, Очамайли қишлоғида яшаган, мазкур иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани ИИБ ТБ томонидан кўзғатилган жиноят иши бўйича 2025 йил 2 июндан қамоқда, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 9 июнь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқлари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни атрофлича ўрганиб, муҳокама қилиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ф.И.Ш, 2024 йилнинг ноябр ойида Косон тумани, “Равот” МФЙ, Гулғунча кўчаси 3-уйда яшовчи Ф.И.Ш билан танишиб қолиб, Ф.И.Ш унга “чет давлатдан катта мерос келган, Тошкент халқаро аэропортидан олишим керак эди” деб айтганлиги сабабли унинг ишончига кириш учун телефон орқали “божхонада танишларим бор, сиз менга номингизга келган ҳужжатни ташланг, мен сизга бир соатда жавобини айтаман”-деб, меросни божхонадан олиб ўтиш учун харажати борлигини, ушбу харажатни берса меросни олиб беришини айтиб, уни алдаб, Ф.И.Шнинг жами 36.000.000 сўм пулини палстик картасига ташлатиб олиб, ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган.

Судланувчи Ф.И.Ш ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда ифодаланган ўзининг бу ҳаракати билан Ўзбекистон



Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилган.

Судланувчи Ф.И.Ш судда, айбига тўлиқ иқрор ва пушаймон бўлиб, 2024 йил ноябрь ойининг охирларида Тошкент халқаро аэропортига берганида шу ерда унга нотаниш бўлган кейинчалик билган Ф.И.Ш ва бир эркак киши билан танишиб қолганини, Ф.И.Ш унга оёқ кийими йиртилганлиги сабабли пойафзал сотадиган дўконни сўраганини, Ф.И.Шнинг қўлида ёш боласи бўлганлигини, эркак киши 2 кундан буён Тошкент шаҳрида юрганлигини, келинини оёқ кийими йиртилганлигини, пулини беришини, дўкондан оёқ кийим келтириб беришини сўраганини, унинг айтганига кўра 120.000 сўм олиб оёқ кийим сотиб олиб келтириб берганини, улар билан суҳбати давомида бир-бири билан телефон алмашганини, орадан 3-4 кун ўтганидан сўнг Ф.И.Ш унга телефон қилиб, “Тошкент шаҳрида танишларингиз борми, менга чет элдан почта келиши керак эди, ўн йиллар илгари Россияда отам вафот этганди, шундан мерос қолган, почтани аэропортдан жўнатишди, айтган тўловларини қилиб бераман” деб, унинг телеграмига икки варақдан иборат қандайдир ҳужжат нусхасини ташлаб берганини, шу ҳужжат нусхасини “Ф.И.Ш” исмли бир танишига ташлаганини, “Ф.И.Ш” ҳужжатларни кўриб, “почтани олса бўлади” деб айтганини, “Ф.И.Ш” нинг айтгани бўйича харажати бор деб Ф.И.Шдан 5 ёки 6 марта жами 36.000.000 сўм пулни ўзининг номидаги пластик картага ташлатиб олиб, шу пулларни банкомат орқали нақдлаштириб, Тошкент халқаро аэропорти ташқарисидаги автотураргоҳда “Ф.И.Ш” исмли танишига берганини, “Ф.И.Ш” ундан пулни олганидан сўнг 2024 йил декабрь ойининг ўрталарида йўқолиб қолганини, пулни “Ф.И.Ш”га Тошкент халқаро аэропортига олиб бориб берганини, “Ф.И.Ш”ни Тошкент халқаро аэропортига юрганлигини кўрганини, уни аэропортда ишлайди деб ўйлаганини, “Ф.И.Ш”ни аэропорт ходимларидан суриштирганида, ундай одам ишламаслигини айтишганини, “Ф.И.Ш”ни қидириб тополмаганини, “Ф.И.Ш”ни қаерда яшашини билмаслигини, уни телефони ҳам ишламаганини, “Ф.И.Ш”ни тополмаганидан сўнг Ф.И.Шга алданганини айтиб 2025 йил январь ойининг бошида Косон туманига Ф.И.Шнинг уйига келиб, 2025 йил 15 январь куни 36.000.000 сўм пулини бериши тўғрисида тилхат ёзиб берганини, пулларни “Ф.И.Ш”га берганини тасдиқловчи бирор-бир овозли ёзув, телеграмм ёзишмаси, тилхат ёки фото-видеотасвирлар йўқлигини, “Ф.И.Ш”ни қаерда яшашини, тўлиқ исм-шарифини ҳам билмаслигини, имконият берилса 2025 йил октябрь ойига қадар Ф.И.Шнинг пулларини қайтаришини, ҳозирда тергов органи томонидан қамоққа олинганлиги сабабли пулларни қайтаришга имкони йўқлигини билдириб, енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи Ф.И.Ш судда, судланувчи Ф.И.Шни 2024 йил ноябрь ойидан буён танишини, у билан илгаридан адовати ёки келишмовчилиги



йўқлигини, отаси Ф.И.Ш 2012 йилда Россия Федерациясида ишлаб юрган вақтида қасддан ўлдирилганини, 2024 йил ноябрь ойининг бошларида унинг номида бўлган Ф.И.Ш телефон рақамига Россия Федерациясидан рўйхатдан ўтган, ҳозирда ёдида бўлмаган телефон рақамдан қўнғироқ келганини, қўнғироққа жавоб берганида унга олдиндан таниш бўлмаган эркак киши ўзбекча гапирган ҳолда “сиз Ф.И.Шмисиз, ватсапга кириш”-деб айтганини ва алоқани узиб қўйганини, сўнг “Watsapp” иловасига кирганида ўша нотаниш киши ўзбекчада хабар ёза бошлаганини, унга алоқага чиққан киши отаси Россия Федерациясида вафот этган вақтида юраги касал бўлиб юрганлиги сабабли отаси Ф.И.Шдан донор сифатида фойдаланиб, унинг юрагини олганлигини маълум қилганини, нотаниш кишидан унга нима мақсадда ёзаётганлиги ҳақида сўраганида, у отасини юраги учун 2 млн АҚШ доллари миқдорида пул бермоқчи эканлигини маълум қилганини, дастлаб бироз шубҳаланганини ва унга бир нечта савол берганини, нотаниш киши у ҳақидаги маълумотларни тўғри айтганлиги учун унга ишонганини, алоқага чиққан киши 2024 йил 26 ноябрь куни унинг номига пулларни божхона орқали юборишини, 2024 йил 27 ноябрь куни пулларни Тошкент шаҳридаги халқаро аэропортидан бориб олишини айтганини, 2024 йил 27 ноябрь куни ўша нотаниш кишининг гапларига ишонган ҳолда Тошкент шаҳридаги “И.Каримов” номли халқаро аэропортга борганини, у билан “Watsapp” иловаси орқали боғланган нотаниш киши илова орқали уни номига расмийлаштирилган ҳужжатларни ташлаб берганини ва аэропортга бориб божхона ходимларига кўрсатиб, юкни олиб кетишини айтганини, божхона тўловлари учун 700 АҚШ доллари ташлаб бериши кераклигини айтиб, ҳисоб рақам ташлаганини, сўнг у ташлаган ҳисоб рақамга Тошкент шаҳридаги ҳозирда ёдида бўлмаган банкдан 700 АҚШ доллари миқдорида пул ташлаб юборганини, сўнг Тошкент халқаро аэропортига бориб, пулларни келишини кутиб ўтирганини, 2024 йил 27 ноябрь куни соат 15:00ларда оёқ кийими шикастланиб қолганини, шу вақтда унга олдиндан таниш бўлмаган Ф.И.Ш ёрдам қилиб, унга янги оёқ кийим олиб келиб берганини, шу жойни ўзида Ф.И.Шга оёқ кийимининг пулини берганини, аэропортда Ф.И.Ш билан яқиндан танишиб қолганини ва у билан ўзаро телефон алмашганини, 2024 йил 28 ноябрь куни кечки вақтда ўзининг Ф.И.Ш телефон рақамидан Ф.И.Шга қўнғироқ қилиб, унга божхонада номига пул келган бўлиши мумкинлигини, шу ҳолатга ойдинлик киритиш кераклигини айтганини, Ф.И.Ш унга “бўлди, мени таможнийда нормалний танишларим бор, сиз менга номингизга келган ҳужжатни ташланг, мен сизга бир соатда ответини айтаман”-деганини, сўнг Ф.И.Шнинг телеграммига Россия Федерациясидан келган ҳужжатларни ташлаб берганини, орадан бир соат вақт ўтганидан сўнг Ф.И.Ш унга қўнғироқ қилиб, “таможнийда мени акам бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди, шу орқали аниқладим, ҳақиқатан ҳам номингизга юк келган экан, хизмат ҳақини



берсангиз ҳал қилиб бераман”-деб айтганини, ундан хизмат ҳақи қанча бўлиши ҳақида сўраганида, дастлаб божхона харажатлари учун 4.280.000 сўм тўлаши кераклигини айтганини, 2024 йил 29 ноябрь куни Ф.И.Шнинг пластик картасига Косон туманидаги “Трастбанк” орқали 4.280.000 сўм пулларни ташлаб берганини, Ф.И.Ш 2024 йил декабрь ойининг охирига қадар божхонадаги номига келган юкни чиқартириб беришини айтган ҳолда бўлиб-бўлиб жами 36.000.000 сўм пулларни ўзининг пластик картасига туширтириб олганини, 2024 йил декабрь ойининг охирига келиб Ф.И.Ш унга божхонадан ҳеч қандай юкни чиқариб бермаганидан сўнг алданиб қолганини билганини ва Ф.И.Шдан пулларини қайтаришни талаб қила бошлаганини, 2025 йилнинг январь ойига қадар Ф.И.Ш пулларни қайтармасдан, турли хил баҳоналар билан алдай бошлаганлиги сабабли 2025 йил 8 январда Ф.И.Шнинг устидан ИИБга мурожаат қилганини, Ф.И.Ш ҳозирга қадар пулларини қайтариб бермаганини билдириб, Ф.И.Шдан 36.000.000 сўм пулларини ундириб беришни ва унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

Гувоҳ Ф.И.Ш ҳам судда жабрланувчи Ф.И.Шнинг кўрсатувини тасдиқлаб, шунга ўхшаш кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчи Ф.И.Шнинг айби, ариза, тушунтириш хатлари, тилхат, тўлов чеклари, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмаси ва фотосуратлар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг дастлабки терговдаги сўроқ баённомалари каби далиллар билан исботини топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ф.И.Шнинг ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритганликда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида, хусусий мулк дахлсизлиги, мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмаслиги;

66-моддасида, мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши кўрсатилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Ф.И.Ш жабрланувчи Ф.И.Шнинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, унинг хусусий мулкига тажовуз қилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талабига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасига биноан, ҳуқуқбузарликдан жабрланганларнинг ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Давлат жабрланганларнинг ҳимояланиши ва одил судловдан фойдаланишни таъминлайди, уларга етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун шарт-шароитлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарорининг 6-бандида, судлар Конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инobatга олишлари зарурлиги, бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ф.И.Шга жазо тайинлашда, айбига иқроор ва пушаймонлигини, илгари судланмаганини, аёл киши эканини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деган тўхтамга келди.



Суд, судланувчи Ф.И.Шнинг шахсини, илгари судланмаганини, айбига иқрор ва пушаймонлигини, аёл киши эканини инобатга олган ҳолда, гарчи қилмиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кирса-да, иш бўйича етказилган зарар қопланмаганлиги, жабрланувчининг даъвоси борлиги, Ф.И.Ш бошқа жиноят иши юзасидан тергов органи томонидан қамоққа олинганлиги сабабли Ф.И.Ш ва бошқа шахслар томонидан келгусида жиноят содир этилишини олдини олиш, уни ахлоқан тузатиш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида Ф.И.Шга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 50-моддаси талабидан келиб чиқиб, қонун доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖК 50-моддаси 7-қисмининг “а” бандига асосан жазони манзил-колонияларда ўташни белгилашни, жазони ўташ муддатини Ф.И.Ш қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, у бошқа иш бўйича тергов органи томонидан қамоққа олинганлиги сабабли унинг эҳтиёт чорасини ўзгаришсиз, аслича қамоқда қолдиришни лозим топди.

Суд, судланувчи Ф.И.Шдан жабрланувчи Ф.И.Шнинг фойдасига 36.000.000 сўм моддий зарарни ундиришни лозим топди.

Суд, тарафларга иш бўйича етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида келгусида низо келиб чиқса фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида мурожаат қилиши мумкинлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ф.И.Ш Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Ф.И.Шга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми билан 1 (бир) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони манзил-колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 2 июндан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ф.И.Ш бошқа иш бўйича тергов органи томонидан қамоққа олинганлиги сабабли унинг эҳтиёт чораси ўзгаришсиз, аслича қамоқда қолдирилсин.

Судланувчи Ф.И.Шдан жабрланувчи Ф.И.Шнинг фойдасига 36.000.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

Тарафларга иш бўйича етказилган бошқа моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида келгусида низо келиб чиқса фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилсин.



Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчилар эса ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан ўн сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят беришга, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ф.Юсупов

